

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ФАРМАКОЛОГИК БИОКИМЁ

**ФАРМАЦИЯ ВА КЛИНИК ФАРМАЦИЯ ЙЎНАЛИШЛАРИ
БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАР УЧУН ЎҚУВ КУЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ 2007

Муаллиф: органик ва биокимё кафедра профессори,
тиббиёт фанлари доктори Обидов О.О.

Такризчилар:

Ўзбекистон фанлар академияси биокимё институти директори,
биология фанлари доктори, академик Соатов Т.С.

Тошкент фармацевтика институти тиббий фанлари кафедра мудири,
тиббий фанлари доктори, профессор Алиев Х.У.

Тошкент медицина Академияси биологик кимё кафедра мудири,
тиббиёт фанлари доктори, профессор Собирова Р.А.

Мундарижа:

- Сўз боши
- Кириш
- I Дори моддалари биотрансформациясида (метаболизмида) жигар эндоплазматик ретикулумининг вазифаси.
- Машғулот-1. Микросамол фракцияни жигардан ажратиш, цитохром P-450 ни аниқлаш .
- Машғулот 2. Жигар микросомаларида цитохром P450 ни миқдорини спектрофотометрик услуб билан аниқлаш.
- Машғулот 3 Каламушларга цитохром P450 ни индукцияловчи фенобарбитал натрий юбориб уни жигар микросомаларида аниқлаш.
- Машғулот- 4. Микросомаларнинг нафас олиш фаоллигини аниқлаш.
- Машғулот- 5. Жигар микросомаларида оксидланишли N-деметилланишни Наша услуби бўйича текшириш.
- Машғулот -6 Жигар микросомаларининг гидроксилаза фаоллигини Кото ва Жилете услуби бўйича аниқлаш.
- Машғулот 7. Т.А.Попов ва О.Д.Леоненко услубида жигар эндоплазматик тўри монооксигеназаси фаоллигининг амидопирин метаболитларини сийдик билан ажралиши бўйича баҳолаш.
- Машғулот 8. Интакт ва фенобарбитал юборилган каламушлар қонида кофеиннинг охириги метаболити бўлган сийдик кислотасини Мюллер ва Зейферт услубида аниқлаш.
- 9-10 машғулот. Экспериментал хайвонлар сийдигида сульфадимезин ва унинг метаболитлари миқдорини аниқлаш.
- Машғулот 11. Ксенобиотикларни эндоплазматик ретикулумда оксидланишида $\text{НАД}^*\text{Н}_2$ ва НАДФН_2 га боғлиқ бўлган реакциялар .
- Машғулот 12. Адреналин миқдорини колориметрик услуба аниқлаш.
- Машғулот 13. Қондаги гистамин миқдорини diaзотирланган p-нитроанилин билан Н.В.Климкина ва С.И.Плитмон бўйича аниқлаш.
- Машғулот 14. Антигистамин дори моддаларининг (аллергияга қарши) таъсир механизмини гистаминаза фаоллиги бўйича аниқлаш.
- Машғулот 15. Кининлар системасининг аналъгин таъсирида ўзгаришини калликреинни қон таркибида аниқлаш орқали ўрганиш.
- Машғулот 16. Организмда изоникотин кислотаси гидразидини (ИНКГ) ацетилланишини (инактивацияланишини) аниқлаш.
- Машғулот 17. Қон зардобиде алкогольдегидрогеназа фаоллигини аниқлаш (Шкурски услубига И.В.Бокия, М.С.Усатенко ва В.Ф.Трюфанов қўшимчалари билан).
- Машғулот 18. Биологик мембраналарда липидларни пероксидли оксидланишини текшириш.
- Машғулот 19. Биомембраналарда липидларнинг пероксидланиш оксидланиш тезлигини ўрганиш.
- Машғулот 20. Тўқима гомогенатида липидлар пероксидли оксидланиши тезлигини аниқлаш.

- Машғулот N21 Жигарда гликоген миқдорини Зейфтер услубида аниқлаш.
- Машғулот N22 қонда глюкоза миқдорини О-толуидин услубида аниқлаш
- Машғулот N23 Сут кислотасини қон ва тўқималарида Баркер ва Саммерсон бўйича аниқлаш.
- Машғулот N24 Пироузум кислотасини қон ва тўқималарда Фридеман ва Хауген бўйича аниқлаш
- Машғулот N25. қон зардобидида сиал кислоталари миқдорини аниқлаш.
- Машғулот N26 қон зардобидида гексокиназа фаоллигини Нейфах ва соавторлар бўйича аниқлаш.
- Машғулот N27. Глюкоза-6-фосфат дегидрогеназа фаоллигини аниқлаш
- Машғулот N 28. қон зардобиди ва тўқималардаги холестерин миқдорини аниқлаш.
- Машғулот N29. β ва пре- β - липопропротеидларнинг қон зардобидида Бурштейн ва Самаи бўйича аниқлаш.
- Машғулот N30. қон плазмасида липидлар гидропероксиди миқдорини спектрофотометрик услубида аниқлаш.
- Машғулот N31. Малон диальдегиди миқдорини аниқлаш.
- Машғулот N32. қоннинг пероксидаза фаоллигини аниқлаш.
- Машғулот N33. Глутатионредуктаза фаоллигини аниқлаш.
- Машғулот N34. Супероксиддисмутаза (СОД) фаоллигини эритроцитларда аниқлаш.
- Машғулот N35. Оксил миқдорини Лоури усули билан аниқлаш.
- Машғулот N36. Аланин ва аспарат аминотрансфераза фаоллигини жигарда ва қон зардобидида аниқлаш.
- Машғулот N37. қон зардобидида гистидаза фаоллигини Табор ва Мелер услубини В.А.Буробин модификациясида аниқлаш.
- Машғулот N38. Жигар микросомаларида ксенобиотиклар биотрансформациясининг монооксигеназа системасини ўрганиш
- Машғулот №39 Микросома монооксигеназа системаси ферментлари фаоллигини аниқлаш
- Машғулот N40. Анилиннинг оксидланишли Р-гидроксилланиш реакциясини ўрганиш.
- Машғулот N41. Жигар оксигеназа системаси фаоллигини организмда аниқлаш.
- Баъзи буфер ва реактивлар тайёрлаш.
- Адабиётлар.

Сўз боши

Биокимё ва унинг таркибий қисми бўлган молекуляр биологиянинг тараққиёти биологик системалардаги кўпчилик жараёнларни кимёвий табиатини аниқлашга, уларнинг кечиши ва йўналишини ҳар хил бирикмалар ёрдамида бошқариш мумкинлигини асослаб берди.

Фармакологик биокимё дори моддаларининг таъсири оқибатида кимёвий ўзгаришларни ўрганувчи фан бўлиб, амалий медицинада улардан унумли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш имкониятини яратди. Бундай йўналиш фармакологик моддаларни синтез қилишда олдиндан кутилган хусусиятларга эга бўлган дорилар яратишда ўз ўрнини топди. Мазкур фанни ўзлаштиришда талабалар биокимё ва фармакология асослари билан мукамал таниш бўлишлари лозим бўлганликлари учун маъруза ва амалиёт дастурлари фармацевтика факультети талабаларининг тўққизинчи семестрига мўлжалланган. Кўрсатилган вазифаларни ёритишда дорилар транспорти, мембрана ва рецепторларнинг аҳамияти, дорилар метаболизмида хужайра органоидлари ва ферментларининг иштироки, модда алмашинуви ва патологик ҳолатларда дори воситаларининг таъсир механизмлари атрофлича таҳлил қилинади.

Кириш

Фармакологик биокимё фани дори моддаларининг организмда метаболизмга учраши жараёнларини ўрганади. Бу борада фармакологик биокимё фани дори моддалари сифатини назоратлаш ва стандартлаш, уларни тахлиллаш ва ишлаб чиқариш, янги самарали дори моддаларини яратиш ва улар таъсирини баҳолашда биокимёвий билимлардан фойдаланади. Шу сабабдан бу фан бошқа фармацевтик фанлар- дори технологияси, фармацевтик кимё, фармакология, токсикология билан ўзаро боғлиқ.

Ҳар қандай дори моддаси организм кимёвий жараёнларига таъсир этиб ферментлар фаоллигини ўзгартиради, бу эса дори моддасининг таъсири самарасини баҳолаш ва асослаб беришда, турли патологик ҳолатлардаги ножўя ёки акс таъсирини тушунтиришда муҳим аҳамиятга эга. Дори моддалари организмга нисбатан ёт (бегона-ксенобиотиклар) ва табиий бўлган (аутобиоген) моддаларга бўлинади. Табиий моддалар организмда доимо мавжуд бўлганлиги сабабли ундаги биокимёвий жараёнларда бевосита иштирок этадилар.

Ксенобиотиклар одатда организмда учрамайдиган ёки жуда кам миқдорда бўлган моддалар бўлиб, синтетик йўл билан ёки бошқа организмлардан олинган бирикмалардир.

Биокимё фанининг дастлабки текширишлари бутун организмда олиб борилган бўлса, ҳозирги кунга келиб тажрибаларни алоҳида орган, тўқима, хужайра, хужайра таркибий қисмлари даражасида олиб бориш имконияти мавжуд. Бунда алоҳида органни ажратиб олиб, унинг табиий қон томир системаси орқали перфузат эритма юборилиб, унга тажрибавий модда қўшилганда юз берадиган ўзгаришлар кузатилиб борилади.

Дори моддалари метаболизмни ўрганиш учун эса тўқима кесмаларидан фойдаланиш жуда қулайдир. Бунда ажратиб олинган кесма организм суюқлигига яқин бўлган эритмада сақланиб, эритмага текшириляётган дори

моддаси кўшилади ва ундаги биокимёвий жараёнлар ўрганилади. Бу усул инкубациялаш усули деб аталади.

Агарда, текширишларни алоҳида хужайра ёки унинг таркибий қисмларида олиб бориш зарурияти бўлганда, тўқима кесмаларини гомогенизатор (Поттер гомогенизатори) асбоби ёрдамида яна ҳам майда қисмларга бўлиш мумкин. Бунинг учун гомогенатни юқори тезликда центрифугалаб, хужайра таркибий қисмларини алоҳида ажратиб олиш мумкин.


Тажрибалар бутун организмда олиб борилганда *in vivo*, унинг алоҳида қисмларида олиб борилса *in vitro* деб айтилади. *in vitro* усулида олиб борилган тажриба натижалари асосида *in vivo* жараёнларини кечиши тўғрисида тахминий хулоса чиқорилади.

Дори моддалари организмга тушгандан сўнг қон таркибидаги ҳар – хил биологик брикмалар билан боғланган ёки эркин ҳолда тарқалиши мумкин. Эркин ҳолдаги дори воситаларини тўқималарга кириши осон кечади. Қон оқсиллари билан боғланганлари эса қонда узокроқ вақт сақланиб, таъсир қилаш муддати ҳам давомлироқ бўлади. Дори моддаларининг қондаги концентрацияси доимо ўзгариб туради. Унинг қондаги миқдори тўқима ширасига ўтиши, буйракларда филтрланиши, ўт суюқлиги, тер, кўкрак сути, нафас чиқариш йўли билан ажралиши натижасида камайиб борса; ичакдан қайта сўрилиши, буйракда реабсорбцияланиши орқали ортиб боради.

Организмда дори моддасининг кимёвий тузилишини ўзгариш жараёни метаболизм ёки биотрансформация деб аталади. Метаболизм натижасида молекулалар заряди ўзгариши бу моддаларнинг фармакологик хоссалари ўзгаришига сабаб бўлади ва уларнинг организмдан чиқиб кетишини тезлаштиради. Биотрансформация натижасида дори моддаларининг фаоллиги ортиши, камайиши, ўзгармаслиги мумкин. Ксенобиотиклар организмда табиий бўлмаган жараёнлар орқали ўзгаришларга учрайди.

Ксенобиотиклар метаболизми асосан хужайралар эндоплазматик ретикулуми (ЭПР) даги ферментлар системаси ёрдамида амалга оширилади.

Дорилар метаболизмини қуйидагача ифодалаш мумкин;



Ксенобиотиклар метаболизмини ёки унинг метаболитларини биологик суюқликлардаги миқдорини уларнинг метаболизмида иштирок этувчи ферментларнинг фаоллиги ва кинетикасини аниқлаш орқали ўрганилади. Ксенобиотиклар метаболизми икки фазада кечади: модификация (носинтетик) ва конъюгация (синтетик). Модификация жараёнида дори моддасининг кимёвий тузилишида ўзгариш содир бўлмайди, лекин унга қўшимча функционал группалар киритилиши ёки ажралиб чиқиши мумкин. Бу босқичда модданинг эрувчанлиги ортади. Конъюгация босқичида эса хосил бўлган функционал группалар ферментлар иштирокида организмдаги молекулалар билан боғланади. Бунда бир қисми ксенобиотик ва иккинчи қисми организм молекуласидан иборат бўлган биомолекула хосил бўлади. Агарда ксенобиотик молекуласида функционал группалар бўлмаса бу модда конъюгацияга учрамайди, ёки аввалдан функционал группа бўлган бўлса, модификацияга учрамасдан тўғридан – тўғри конъюгацияланиши мумкин.

Ксенобиотикларнинг кимёвий тузилиши ва уларнинг ферментлар таъсирида кечадиган ўзгаришлари асосларини билган холда дори моддаларининг организмдаги метаболизми тақдирини аввалдан айтиш мумкин.

Дори моддаларини организмнинг қайси қисмида метаболизмга учрашига қараб ичак, тўқимадан ташқари, хужайра метаболизмларига ажратилади.

Ичак метаболизми ошқозон - ичак йўлларидаги гидролитик ферментлар ёрдамида амалга оширилади. Тўқимадан ташқари ёки гуморал метаболизм тўқималар аро суюқлик, қон, плазма, лимфа, орқа мия суюқлигида протеиназа, псевдохолинэстераза, фосфатаза каби гидролитик ферментлар ёрдамида кечади.

Тўқимавий ёки хужайра метаболизми хужайранинг турли таркибий қисмларида кўпинча эса эндоплазматик ретикулумда (хужайра ичи тўри) амалга ошади. Эндоплазматик ретикулум мембранасида ксенобиотикларни метаболизми учун керакли бўлган барча ферментлар мавжудлиги аниқланган. Организмда ксенобиотиклар асосан жигар эндоплазматик ретикулумида метаболизмга учрайди. Тўқималарни гомогенизациялаганда ЭПР мембраналари бўлакчалари бирлашиб, пуфакчалар шаклини олади ва у микросома деб номланади. Ксенобиотиклар метаболизми хужайранинг қайси таркибий қисмларида кечишига қараб, микросомал ва номикросомал метаболизмга ажратилади. Номикросомал метаболизм гиалоплазма, лизосомалар, пероксисомалар, митохондрияларда бориши мумкин.

I Дори моддалари биотрансформациясида (метаболизмида) жигар эндоплазматик ретикулумининг вазифаси.

Машғулот мақсади:

1. Микросомал фракция шаклида эндоплазматик ретикулум (ЭПР) мембранасини ажратиш услубини билиш.
2. Микросомалли гидроксилловчи ферментларни ўрганмоқ. Цитохром Р-450 ни спектрофотометрик услубда аниқлаш билан танишиш.
3. Цитохром Р-450 миқдорини дори моддалари таъсирида ўзгаришини кузатиш.

Цитохром Р-450 ни индукцияловчи фенobarбитал натрий юборилган каламуш жигари микросомаларида цитохром Р-450 микдорини аниқлаш.

Дори моддалари организмга тушгандан сўнг бир неча физиологик тўсиқлардан ўтиб, метаболик ўзгаришларга учрайди. Натижада уларнинг биологик фаоллиги пасаяди ёки бутунлай йўқолади, гоҳида эса, аксинча, фаоллиги ошиши мумкин. Дори моддаларининг биотрансформациясида энг асосий орган жигар эндоплазматик ретикулум ферментлари эканлиги аниқланган.

Одам ва хайвон организмида ксенобнотикларнинг умумий детоксикация жараёнида уларнинг метаболизмини катализловчи ферментлар ичида жигар микросоми гидроксилловчи комплекси марказий ўринни тутди. Бу оксидланиш реакцияси натижасида- яъни гидроксил группасини фармакологик препарат структурасига киргандан сўнг дори моддасини кутбланиши (эрувчанлиги) ошади ва уни буйрак орқали чиқиб кетиши енгиллашади. Микросомал гидроксилланиш системаси камида иккита каталитик қисмдан иборат: 1.Цитохром Р-450 ва 2.флавопротид. Флавопротид НАДФ-Н₂ иштирокида цитохром Р-450 қайтаради, шу сабаб уни НАДФ-цитохром Р-450 редуктаза, деб аталади. Цитохром Р-450 гемпротеид бўлиб, субстрат билан боғланади ва уларни электрон структураси ўзгаради.

Иккинчидан, цитохром Р-450 молекуляр кислородни фаоллаштиришда ҳам қатта аҳамиятга эга.

Кўпчилик дори моддаларининг таъсирини давомийлиги ва кучи уларнинг жигар ЭПР-да метаболизмга учраш тезлигига боғлиқ. Метаболизмга учратувчи ферментлар фаоллиги эса, ўз навбатида, диэтага, гормонал фонни ўзгаришига, фармакологик фаол дорилар таъсирига боғлиқ. Ҳақиқатан бир хил дорилар ферментлар фаоллигини оширади, бу эса ферментатив оқсиллар синтезини ошиши билан тушунтирилади ва “ферментатив индукция” деб аталади. Бунга ўхшаш кеснобиотиклар сони юздан ошиқ бўлиб, булар ичида

энг тўла ўрганилган цитохром Р- 450 индуктори фенобарбитал натрий хисобланиб, дорилар метаболизмини асосий йўллари индукциялайди. (ароматик гидросилланиш, О ва N деалкилланиш). Демак, жигар микросомалари дори моддаларининг метаболизмга учратибгина қолмай, бир вақтнинг ўзида ксенобиотикларни метаболизмида қатнашувчи ферментлар фаоллигини ҳам ўзгартирар экан. Булар ичида жигар ЭПРнинг монооксигеназли ферментатив системаси дориларнинг оксидланиш реакциясида алоҳида ўрин тутди. Яъни микросомал занжирида икки хил оксидланиш реакцияси кечади: табиий (аутобиоген) ва бегона (ксенобиотик) бирикмалар гидроксидланиш реакцияси ва тўйинмаган ёғ кислоталарининг пероксидли оксидланиш реакцияси.

Ксенобиотиклар метаболизмини ўрганишни икки хил йўли бор: 1) Юборилган ксенобиотикларнинг таркибий қисми ва миқдорини биологик суюқликларда ва экстрактларда аниқлаш.

2) Ксенобиотиклар метаболизмида қатнашувчи ферментлар фаоллигини аниқлаш ва шу ферментлар таъсир кинетикасини ҳар хил субстратларда ўрганиш.

Кўрсатилган иккала йўл эксперимент шароитида қўлланилади. Клиникада эса- дори моддаларининг метаболизми асосан уларнинг миқдори ва модда алмашинув унумларининг биологик суюқликларда аниқлаш билан ўрганилади.

Машғулот-1.

1 Микросомал фракцияни жигардан ажратиш, цитохром Р-450 ни аниқлаш *.

Услуг тартиби.

Эндоплазматик ретикулум (ЭПР) мембраналари микросома фракциялари сифатида (тўқималарни гомогенизация вақтида ЭПР мембраналари морфологик ёпиқ пуфакчаларга айланади) препаратив дифференциал центрифугалаш услуги билан ажратилади. Микросомалар-центрифугалаш жараёнида жуда ҳам секинлик билан чўкамага тушувчи субхужайра

заррачаси (бўлаги) ҳисобланади. Микросома олиш учун гомогенат аввало 15-20 минут давомида 10000-12000g центрифугаланади. Бунда хужайранинг парчаланган қисмлари (ядро, митохондрия, лизосома ва преоксисома, плазматик мембрананинг катта бўлаклари) чўкмага тушади. Чўкма усти суюқлиги (супернатант)ни яна 7800-10000 g 60-120 минут давомида центрифугаланса мембрана цитоплазматик тўри (ЭПР) чўкмага тушади. Бу йўл билан микросома олиш усули юқори тезликдаги вакуумли центрифугани талаб қилади.

Цитохром P-450 аниқлаш. Ушбу гемпротеидни қайтарилган ҳолатида СО билан комплекс ҳосил қилишига асосланган бўлиб, нурни максимум ютиши 450 нм тенг.

Текшириш материали:

1. интакт каламуш жигари.
2. 4 кун давомида хар куни қорин ичига 80 мг/мл цитохром р 450 индуктори фенобарбитал юборилган каламуш жигари.

Реактивлар:

1. 1.15 % КСІ эритмаси.
2. таркибида 10мМ трис-НС1 бўлган 0.25 М сахароза эритмаси рН 7.4
3. СаСl₂, кристалл холда.
4. таркибида 10 мМ трис-НС1 бўлган 0.150 М КСІ эритмаси, рН 7.4

Жиҳозлар:

1. Кимёвий пробиркалар.
2. Хажми 50 мл цилиндр.
3. Пипеткалар.
4. Центрифугаловчи пробиркалар.
5. Гомогенизатор.
6. Музли хаммом.
7. Центрифуга К-24.
8. Спектрофотометр СФ-20.

Амалий ишнинг бориши:

Каламушлар декапитация йўли билан жонсизлантирилиб, юрак орқали пастки ковак венага қўйилган канюла ёрдамида жигарни қондан тозалаш учун совутилган KCL эритмаси юборилади. Жигар майдаланиб, таркибида 10 mM трис бўлган 0.25 M сахароза эритмасида 1:9 хажмда pH 7.4 гомогенизацияланади. Жигарнинг 10 % ли гомогенати 12000 айланиш тезлигида 15 дақиқа давомида центрифугаланиб, ядро, лизосомалар, пероксисомалари чўктирилади. Чўкма ташланади, усти суюклигини ўлчаб олиб аралаштирилган ҳолатда кристалланган CaCl_2 ни концентрацияси 8 mM га етгунча қўшилади. Аралашмани 16000 айланиш тезлигида 15 дақиқа давомида центрифугалаб, микросомалар чўкмаси олинади. Чўкмага 1 мл 1.15 % KCl эритмаси қўшилиб, суюлтирилади ва қайта а 16000 айланиш тезлигида 20 дақиқа давомида ювилган микросомалар чўкмаси фракциясини олиш учун центрифугаланади. Чўкмани 1 мл 1.15 % ли KCl эритмасида суюлтирилади. Барча муолажалар 0-4 O C хароратда олиб борилади. Олинган микросомалар фракциясида дори моддалари метаболизмини, ферментлар фаоллигини ўрганиш мумкин.

Мустақил тайёрлашниш учун саволалар:

1. Фармакологик биокимё фани ва вазифалари. Фармакологик биокимёнинг назарий асослари, текшириш усуллари, йўналишлари, бошқа фармакологик фанлар билан боғлиқлиги.
2. Дори моддаларини кимёвий хоссаларига, юбориш усулига, организмнинг функционал ҳолатига кўра сўрилиши, тарқалиши ва чиқарилиши.
3. Ксенобиотикларнинг организмда тақдири: детоксикация, активлик ёки захарлиликнинг кучайиши, тўқималарга ташилиши.
4. Мембраналар, тузилиши, функцияси, метаболизми. Дори моддаларини хужайра ичига ўтишида мембраналарнинг ўрни.

Моддаларнинг мембраналар орқали транспорти (оддий диффузия, енгиллаштирилган диффузия, фаол транспорт). K^+ Na^+ га боғлиқ АТФазанинг тузилиши ва функцияси.

Машғулот 2.

Жигар микросомаларида цитохром Р450 ни миқдорини спектрофотометрик услуб билан аниқлаш.

Ксенобиотикларни метаболизмида жигар микросомалари гидроксилловчи ферментлар комплекси алоҳида ўрин тутди. Бу комплекснинг асосий таркиби цитохром Р450 ва флавопротеиддан иборат. Цитохром Р450 гемопроteid бўлиб, ксенобиотиклар билан боғланади ва уларнинг электрон тузилишини ўзгартиради. Ундан ташқари молекуляр кислородни фаоллаштиришда муҳим ўрин тутди.

Текшириш материали:

Каламушлар жигаридан тайёрланган микросомалар фракцияси (1 машғулотга қаранг).

Реактивлар:

1. Дитионин
2. СО гази

Амалий ишнинг бориши:

Аввалги машғулотда тайёрланган микросомалар эритмасида оқсил миқдорини (Лоури усулига кўра) аниқлаб олиб, таркибида 2 мг/мл оқсил бўлган суспензия тайёрланади. Цитохром Р450 миқдори Эстабрук бўйича дифференциал спектроскопия усулида икки нурли ёзиб олувчи спектрофотометрда аниқланади. Дитионин билан қайтарилган микросомалар суспензияси СО билан тўйинтирилади ва ундан дифференциал спектр ёзиб

олинади. Цитохром Р450 миқдори моляр экстинкцияси коэффициентини кўллаб $100 \times 10^3 \text{ м} - 1 \text{ см} - 1 \text{ дельта ОП } 450-520 \text{ нм}$ хисобланади.

Хисоблаш мисоли:

$$\frac{0,18}{100 * 10^3 * 2 * 10^3} = 0,9 * 10^{-9} \text{ (М цитохром Р450/мг оксил)}$$

Бу ерда:

0.18 - дельта ОП (450-500)

100×10^3 - цитохрома Р-450 моляр экстинкция коэффициенти 2 - мг/мл да оксил миқдори

10^3 - 1л да оксил миқдорига нисбатан

Амалий ишни хужжатлаш.

Тажриба	ЦитР450 Экстинкцияси кўрсаткичи	ЦитР450 оксилга кўра хисобланган миқдори	Хисоблаш %
Каламушлар жигари			
Контроль			

Амалий ишнинг моҳияти:

Микросомалар фракциясидаги цитохром Р450 ни фаоллигини аниқлаш микросомалардаги ксенобиотиклар метаболизмини ўрганишда, самарали даволаш усулларини ишлаб чиқишда муҳимдир.

Мустақил тайёрлаш учул саволлар:

1. Ксенобиотиклар метаболизмида иштирок этувчи ферментлар занжирининг хужайрада жойлашиши. Жигар эндоплазматик ретикулумнинг

тузилиши, фермент таркиби, ксенобиотиклар биотрансформациясидаги роли.

2. Цитохром P450 нинг индукция ва ингибирланиши. Турли дори моддаларнинг биотрансформацион кўшилувчанлиги хақида тушунча.

Машғулот 3

Каламушларга цитохром P450 ни индукцияловчи фенobarбитал натрий юбориб уни жигар микросомаларида аниқлаш.

Ксенобиотикларнинг метаболизми жигар эндоплазматик ретикулуми ферментлар фаоллигига, организмнинг турли ҳолатларига, гормонал ўзгаришларга боғлиқ. Баъзи ксенобиотиклар ЭПР даги ферментлар фаоллигини ошириши мумкин. Масалан, фенobarбитал натрий цитохром P450 синтезини кучайтиради ва фаоллигини оширади.

Текшириш материали: интакт ва фенobarбитал натрий юборилган каламушлар жигари.

Реактив ва жихозлар: 1 ва 2 машғулотдагилар.

Амалий ишнинг бориши:

Интакт ва фенobarбитал натрий юборилган каламушлардан жигар микросомалари аввалги машғулотдагидек тайёрланади. Цитохром P450 микдорини 2 машғулотда ёзилганидек иккала каламуш жигарида аниқланади. Олинган натижалар жадвалга ёзилиб, солиштирилади.

Цитохром P450 микдори хисоблаш протоколи:

Вариант	P экстинкция	Мг/мл	н моль/мг оксил	%
Контроль				

Интакт каламуш				
ФБН юборилган каламуш				

Амалий ишнинг моҳияти.

1. Дори моддалари биотрансформациясини ўрганиш уларни турли касалликларни даволашда самарали йўллари ишлаб чиқишда муҳимдир.

2. Дорилар метаболизмини микросомал фракция орқали *in vitro* ўрганиш организмда кечувчи метаболизм жараёнларини пробиркада моделлаштириш имконини беради.

Машғулот- 4.

Микросомаларнинг нафас олиш фаоллигини аниқлаш.

Машғулот мақсади. Микросомаларни нафас олиш жараёни шу моддаларнинг кислород билан оксидланиши натижасида сув ҳосил бўлишидан иборат бўлиб, реакция давомида истеъмол қилинган кислород ёки қайтарилган НАДФ, НАД миқдорини аниқлаш билан ўлчанади.

Реактивлар. Калий хлориднинг 1,15 % ли эритмаси, 0,1 м трис буфер эритмаси, РН-7,4 *; кальций хлориди 0,04 м эритмаси; НАДФ.Н-янги тайёрланган 10 мМ ли эритмаси; янги тайёрланган НАДН ни 1 мМ эритмаси.

Жихозлар: 1. Кимёвий пробиркалар

2. Цилиндр-25 мл

3. Пипеткалар 0,1; 1,5; 10 мл

4. Центрифугали пробиркалар

5. гомогенизатор

6. Фильтр қғози

7. Центрифуга ЦЛР

8. Аптека тарозуси

9. Петр косачаси

10. Флуороскоп

Текшириш материали. Янги хайвон жигари.

Микросомаль фракцияни жигардан ажратиб олиш.*

Услуб жигар субхужайра қисмларини центрифугалаганда уларнинг ўлчами ва зичлигига қараб ҳар хил чўкиш тезлигига асосланган. Чўктиришда кальций хлорид қўшилади.

Ишнинг бажарилиши. Янги олинган хайвон жигари шприц ёрдамида калий хлорид эритмаси билан қондан ювилади, филтр қоғозида қуритилиб, музда сақланаётган Петр косачасига солинади. 3 г жигар тўқимасини қайчи билан майдалаб, 9 мл совутилган калий хлорид эритмаси қўйилган гомогенизатор стаканига солинади ва айланиши тезлиги минутага 1000 га тенг шароитда майдаланади. Гомогенат иккита центрифуга пробиркаларига қуйилиб, ЦПР да 10000 g давомида 0-4⁰ С 20 мин центрифуга қилинади. Чўкма усти суюқлиги бошқа центрифугали пробиркалага қуйилиб, устига нисбати хажми бўйича 1:5 бўлган кальций хлорид эритмаси қўшилади. Аралаштириб, яна 15 мин давомида 0-4⁰ С 3000 g да центрифугаланади. Чўкма усти суюқлиги олиб ташланиб, микросома сақловчи чўкмага 3 мл трис –буфер эритмаси қўшилади ва суспензия тайёрланади.

Жигар микросамалари нафас олиш фаоллигини флуориметрик услубда аниқлаш.

Ушбу услуб микросома препаратлари билан оксидланаётган НАДФН ёки НАДН ларнинг флуоресценция тезлигини пасайишини кузатишга асосланган. (1-3 ишлардаги услубдан ҳам фойдаланиш мумкин)

Ишнинг бажарилиши. Иккита пробиркага 2,8 мл трис-буфер қуйилади. Сўнгра уларнинг биттасига 0,1 мл тайёрланган микросома суспензияси, иккинчисига эса 0,1мл дистилланган сув қўшилади (назорат). Иккила пробирка олдиндан уланган флуороскоп штативларига ўрнатилиб, уларга 0,1 мл дан НАДФН ёки НАДН эритмаси қўшилади ва тезликда шиша

таёқча билан аралаштирилиб, пробиркалардаги флуоресценцияни ўзгариши кузатилади.

Ишни хужжатлаш. Флуоресценцияни ўзгариши бўйича микросомаларда нафас олиш функцияси борлигини кўрсатиш.

Амалий ишнинг моҳияти. Микросомаларни ажратиш-илмий-тадқиқот текширишларида уларнинг нафас олиш ва бошқа функцияларини ҳар хил физиологик ва паталогик шароитларда, шулар қатори дорилар ва захарли моддалар таъсирини ўрганишда фойдаланилади.

Машғулот- 5.


Жигар микросомаларида оксидланишли N-деметилланишни
Наша услуби бўйича текшириш.

Машғулот мақсади: микросомаларда дори моддаларининг оксидланишли N-деметилланиш йўли билан инактивланишини жигар монооксигеназа системаси иштирокида ўрганиш.

Реактивлар: натрий гидроксид 3 %-ли эритма; биурет реактиви*;
Трис-буфер 0,1 м эритма; рН 7,4 *;НАДФН, янги тайёрланган 1 мМ эритма;
магний хлорид, 2,5 мкМ эритма; амидопирин 80мМ эритма;
Цинк сульфат 2,5 % -ли эритма;
Барий гидроксид тўйинган эритма;
Реактив Наша*

Жиҳозлар: пробиркалар, пипеткалар 0,1; 0,5 ва 5 мл,
спектрофотометр.

Текшириш материали: 4 машғулотда олинган жигар микросома суспензияси. Текшириш услуби микросомаларда амидопиринни оксидланишли N-деметилланиши натижасида ҳосил бўлган формальдегид миқдорини ўлчашга асосланган.



Формальдегид наша реактиви билан сариқ рангли комплекс ҳосил қилади.

Ишнинг бажарилиши. Аввало микросомал фракцияларда оксил миқдори аниқланади. Бунинг учун пробиркага 0,05 мл микросома суспензияси олиниб, устига 3,95 мл натрий гидроксид эритмаси ва 0,2 мл биурет реактиви қўшилади, яхшилаб аралаштириб, 30 минутдан сўнг тажриба намунаси контролга нисбатан (контроль 4 мл NaOH эритмаси ва 0,2 мл биурет реактиви) СФ да 330 нм, қалинлиги 1 см бўлган кюветада ўлчанади. Экстинкция кўрсаткичи 0,30-0,60 бўлганда 0,1 мл микросома суспензиясида оксил миқдори 2-4 мг га тўғри келади. Агарда экстинкция кўрсаткичи юқори бўлса, керак бўлган оксил концентрациясини олиш учун микросома суспензиясини трис-буфер билан суюлтириш лозим. Тажриба ва контроль пробиркаларга 0,4 мл дан трис-буфер эритмаси ва магний хлорид, 0,2 мл дан НАДФН ва 0,1 мл микросома суспензияси солинади ва аралаштирилади. Тажриба намунасига 0,11 мл амидопирин эритмаси қўшилади, контроль пробиркага эса- олдин 0,25 мл дан цинк сульфат ва барий гидроксид эритмалари, сўнгра 0,11 мл амидопирин қўшилади. Иккала пробирка


ичидагилари аралаштирилиб, 20 мин 37° С сув ҳаммомига қуйилади ва вақт-оралиғида намуналар чайқатилиб турилади.

Инкубация муддати тугагач, тажриба намунасига 0,25 мл дан цинк сульфат эритмаси ва борий гидроксид қўшилиб, реакция тўхтатилади, яхшилаб аралаштириб, иккала намуна 10 минут давомида 3000 айланиш/ мин центрифугирланади. Иккита янги пробиркага 1мл чўкма усти суюқлиги олинади ва улар устига 2 мл дан Наша реактиви қўшилиб, 45 мин. 37° С ли сув ҳаммомида сақланади. Сўнгра тажриба намунасини экстиницияси контрольга нисбатан қалинлиги 1 см бўлган кюветада СФ да 412 нм да ўлчанади.

Ҳисоблаш. қуйидаги формула бўйича ўтказилади.

$$X = aV * 1,71 * 333 / 20 * 0,1 * 1000$$

Бунда –X- амидопиринни N-деметилланиш тезлиги, мк моль/мин.кгжигар; а-калибрловчи графикдан топилган формальдегид миқдори (расмга қаранг-№1), н моль; V-микросома суспензиясининг трис-буфердаги хажми, мл; 1,71-инкубацион аралашма хажми, мл; 0,1 –текширишга олинган микросома суспензиясининг хажми, мл; 20-мин, инкубация вақти; 333-1кг жигар тўқимаси учун қайта ҳисоб коэффиценти; 1000-нмоль ни мкмоль га ўтказиш ҳисоб коэффиценти.



Расм 1. Формальдегид миқдорини аниқлаш учун калибрлаш графиги.

Ишни хужжатлаш: Амидопиринни микросомаль оксидланиш тезлигини хисоблаш. Хулосада ушбу жараённинг аҳамиятини кўрсатиш.

Амалиш ишнинг моҳияти. Ксенобиотикларнинг микросомалар монооксигеноза занжирида оксидланишини текшириш- бу жараённи норматологияда аҳамиятини билиш билан бирга ҳар хил моддаларнинг организмга таъсир қилиш йўллари урганишга, уларни метаболизми, захарлилиги ва улардан ҳосил бўлган унумларини организмга таъсирини билиш имкониятини яратади.

Машғулот -6

Жигар микросомаларининг гидроксилаза фаоллигини Кото ва Жилете услуби бўйича аниқлаш.

Машғулот мақсади: микросомалар монооксигеназа ферментлар системасининг цитохром Р-450 иштирокида гидроксилланиш жараёнини дорилар инактивациясидаги аҳамиятини аниқлаш ва дорилар метаболизми унумларининг организмдан чиқиб кетиш йўллари билиш.

Реактивлар: 1. Трис-НСl буфер, 0,08 м эритма рН 7,4%*;

2. магний хлорид, 0,16 м эритма;

3. қайта хайдалган анилин 0,03 м эритма;

4. учхлорсирка кислота (ТХУК), 15 % -ли эритма;

5. натрий карбонат, 10 % -ли эритма;

6. 0,2 м гидроксид натрий эритмасидаги 2 %-фенол эритмаси;

7. НАДФ.Н 0,03 м эритмаси;

8. Биурет реактиви*;

9. натрий гидроксид, 3 %-ли эритма;

10. микросомаларни ажратиш реактивлари (4-нчи машғулотда кўрсатилганидек);


11. 4-аминофенол калибрлаш графиги қуриш учун янги тайёрланган эритма; (5,45мг/г)

Жихозлар: пробиркалар; пипеткалар-0,1; 0,2; 1 ва 5 мл; сув хаммоми; лаборатория центрифугаси (центрифуга тарозуси билан) рефрижераторли центрифуга ЦЛР;


ФЭК (КФК-2 типдаги) ёки СФ.

Текшириш материали. Янги олинган хайвон жигари.

Услубнинг асоси: Микросомалар монооксигеназа системасида цитохром Р-450 иштирокида анилинни гидроксилланишидан ҳосил бўлган 4-аминофенол миқдорини аниқлаш.



4-аминофенол фенол билан ўзаро таъсирланиб, натрий карбонат иштирокида кўк рангли индефенол комплекси ҳосил қилади.



Ишнинг бажарилиши: Жигар микросомаси 4-машғулота кўрсатилганидек ажратилади ва унинг таркибидаги оксил миқдори аниқланади. Бунинг учун пробиркага 0,05 мл микросома суспензияси олиниб, 3,95 мл натрий гидроксид эритмаси ва 0,2 мл биурет реактиви қўшилади.

Аралашма шиша таёқча билан аралаштириб, 30 мин.дан сўнг контрольга (4 мл натрий гидроксид + 0,2 мл биурет реактиви) нисбатан ФЭК да ёки СФ 330 нм да экстинкцияси ўлчанади. Оксил миқдори калибрловчи график ёрдамида ҳисобланади. (Оксил миқдори 0,1 мл микросома суспензиясида тахминан 2-4 мг бўлиши керак).

Анилинни гидроксилланишини ўрганиш учун 2 та тоза пробирка олиниб, тажриба ва контроль намуналари тайёрланади.

Қуйидаги жадвалда реакция таркибий қисмларини солиш кетма-кетлиги ва уларнинг ҳажми келтирилган.

Контроль		Тажриба	
Моддалар	ҳажми	моддалар	ҳажми
Трис-НСl буфер	0,4	Трис-НСl буфер	0,4
Магний хлорид	0,4	Магний хлорид	0,4
Микросома суспензияси	0,1	НАДФН	0,2
Учхлорсирка кислотаси (ТХУК)	0,5	Микросома суспензияси	0,1
Анилин	0,11	Анилин	0,11
НАДФН	0,2		

Иккала пробиркани 20 мин давомида 37⁰ С да сув ҳаммомида ушлаб, сўнгра тажриба намунасига реакцияни тўхтатиш учун 0,5 мл учхлорсирка кислотаси

томизилади. Сўнгра иккала намуна 10 мин давомида 3000 айланиш/мин. центрифугирланади. Ҳар бир намунанинг чўкма усти суюқлигидан 1 мл олиниб, бошқа 2 та пробиркага солинади, иккаласига 0,5 мл натрий карбонат ва 1,5 мл дан фенол эритмаси қўйилади, чайқатилиб, аралаштирилади. Ранг хосил бўлиши учун пробиркалар 30 мин га 37⁰ С сув ҳаммомида ушланади. Сўнгра қизил светофильтрада ФЭК ёки СФ да 630 нм экстинкцияси ўлчанади. Калибрловчи график тузиш учун эритмалар сериясини қуйидаги жадвал бўйича тайёрланади.

пробиркалар	4-аминофенол мл	Сув мл	Na ₂ CO ₃ мл	Фенол мл	4-аминофенол миқдори тажриба. н моль
1.	0,1	0,9	0,5	1,5	5,0
2.	0,2	0,8	0,5	1,5	10,0
3.	0,3	0,7	0,5	1,5	15,0
4.	0,4	0,6	0,5	1,5	20,0
5.	0,5	0,5	0,5	1,5	25,0
6.	0	1.0	0,5	1,5	0(контроль)

Сўнгра пробиркалар 30 минт га 37⁰ С сув ҳаммомига қўйилади ва юқорида кўрсатилганидек экстинкцияси ўлчаниб (контролга нисбатан), калибрловчи график тузилади.

Ҳисоблаш. Формула бўйича ўтказилади,

$$X = AV/20m,$$

бу ерда x - гидроксилаза фаоллиги нмоль/(мин.мг.белка);

A-4-аминофенолнинг калибрловчи графикдан топилган тажриба намунасидаги миқдори нмоль; V-намуна ҳажми, 1,71 мл га тенг; 20-инкубация вақти, мин; m-намуна таркибидаги оқсил миқдори, мг.

Амалий ишнинг моҳияти. Жигарнинг микросомаль занжирини оксидланиш функциясини нормаль ва патологик ҳолатларда ўрганишда ҳар


хил субстратлардан фойдаланилади, уларнинг метаболик ўзгаришлари асосан цитохром Р-450 иштирокида кечади.

Гидроксилланиш реакцияси тезлиги кўпчилик ташқи факторлар (радиация, гипероксия, гипоксия, тўртхлор кислотаси билан захарланиш ва бошқа) ва бошқариш субстратлари (витаминлар, гормонлар) таъсирида ўзгаради. Микросомаларнинг гидроксилаза фаолиятини ўзгариши хақида тўла маълумотга эга бўлиш учун ҳар хил дори моддаларини патологияда цитохром-Р-450 субстрати сифатида ўрганилади.

Машғлот 7.

Т.А.Попов ва О.Д.Леоненко услубида жигар эндоплазматик тўри монооксигеназаси фаоллигининг амидопирин метаболитларини сийдик билан ажралиши бўйича баҳолаш.

Машғулот мақсади: Амидопирин метаболизми оксидланиш ва конъюгация каби ферментатив реакциялар ёрдамида бажарилади. Булардан биринчиси (N-деметилланиш) жигар эндоплазматик тўрининг монооксигеназали ферментлар системаси билан қуйидагича катализланади.




Сўнгра 4-аминоантипирин тегишли N-ацетилтрансфераза ва ацетил-КоА иштирокида ацетилланиш реакциясига берилади.

Ишнинг бажарилиши: Иккита пробиркага 1,5 мл. дан филтрланган сийдик олинади. Биринчисига, эркин 4-аминоантипиринни аинқлаш учун, 0,3 мл аммиакли буфер солинади, иккинчи пробиркага, метаболитларнинг умумий миқдорини аниқлаш учун (яъни– 4 аминиантипирин ва N-ацетил-4 аминоантипирин йиғиндиси) 0,3 мл хлорид кислотаси томизилади. Намуналар аста чайқатилиб, аралаштирилади. Биринчи пробирка ичидаги 15 мин дан сўнг қоғоз филтр орқали филтрланади; иккинчи пробирка фольгага ўралган пробка билан бекитилиб 15 мин.га қайнаб турган сув ҳаммомига ўрнатилади, сўнгра тезликда муз солинган сувда совутилиб, гидролизат шишали филтр орқали бошқа пробиркага филтрланади. Биринчи пробиркадан 0,6 мл филтрат тоза пробиркага олиниб, кетма-кет 0,5 мл учхлор сирка кислотаси эритмаси, 2 мл фенол эритмаси ва 0,1 мл калий гексацианферрат эритмалари қўшилади. Намуна ичидагилари аралаштирилиб, 10 мин.дан кейин (лекин бир соатдан кеч бўлмаган вақтда) ФЭК да (кўк светофилтрда) ёки СФ да 510 нмда 1 см қалинликдаги кюветада контрольга нисбатан экстинкцияси ўлчанади. (контрольда ҳамма компонентлар бўлиб, фенол ўрнига 2 мл дистилланган сув солинади). Олинган экстинкция (E_1) сийдикдаги 4-аминоантипирин миқдорига тўғри келади. Иккинчи намунани филтрланган гидролизатига 0,6 мл аммиакли буфер қўшиб аралаштирилади ва яна қайтадан қоғоз филтр орқали филтрланади.

Тиниқ филтратдан 0,8 мл тоза пробиркага олиниб, устига кетма-кет 0,2 мл дистилланган сув, 2 мл фенол эритмаси ва 0,1 мл калий гексацианоферрат (III) қўшилади. Пробирка ичидагилари аралаштирилиб, 10 мин.дан сўнг иккинчи намунани экстинкцияси ФЭК ёки СФ-да биринчи намуна сингари ўлчанади. Кўрсатилган экстинкция (E_2) сийдик таркибидаги метаболитларнинг умумий миқдорига (4-аминоантипирин ва N-ацетил-4 аминоантипирин) тенг бўлади.

Ҳисоблаш. Амидопирин метаболитларининг сийдикдаги миқдори ва ксенобиотикларнинг ўзгаришида (метаболизмида) қатнашувчи жигар ферментлар системасини фаоллигини кўрсатгичи калибрланган график бўйича ҳисобланади. График тузишда 5 та пробирканинг ҳар бирига 0,05; 0,1; 0,2; 0,3; ва 0,4 мл дан 4-аминоантипириннинг стандарт эритмаси солиниб, умумий ҳажми 5 мл га етгунча дистилланган сув ва 1 мл дан аммиак буфери қўшилади. Аралаштириб, филтрланади ва 0,6 мл филтрат олиниб, унга сийдикдаги эркин 4-аминоантипиринни аниқлашдаги (биринчи тажрибали намуна) бажарилган ишлар қайтарилди. Олинган экстинкция кўрсаткичлари 4 –аминоантипириннинг 5,10,20,30 ва 40 мкг/мл концентрациясига борабор.



(Намунавий калибровчи графиги расм 2 да келтирилган)

E_1 бўйича ажратилган 4-аминоантипириннинг умумий миқдори топилади ва унинг намунадаги миқдорини бир суткалик сийдик ҳажмига кўпайтирилади (мл-да). Шунга ўхшаш E_2 бўйича амидопириннинг умумий миқдори бир суткадаги ажратилган сийдикда аниқланади.

Расм 2. Калибровчи график, 4-амино-антипирин миқдорини аниқлаш учун.

Жигар монооксигеназасининг нисбий фаоллиги юборилган амидопиринни миқдори фоизларда (%) формула бўйича $A \cdot 100\% / B$ ҳисобланади.

Бунда А-бир суткада сийдик билан ажратилган метаболитлар умумий миқдори; В-хайвонга юборилган амидопирин миқдори:

Организм ферментлар системасининг ацетилловчи фаоллиги

Х(%-ларда) формула : $X = (E_2 - E_1) \cdot 100\% / E_1$ бўйича топилади,

Бунда E_1 ва E_2 тажриба намуналарининг экстинкция кўрсаткичи.

Ишни хужжатлаш. Текширилаётган ҳайвонларда N-деметилланиш ва ацетилланиш ферментлар системасининг нисбий фаоллиги ҳисобланиб, мазкур услубнинг амалий аҳамияти бўйича хулоса чиқарилади.

Амалий ишнинг моҳияти. Кўпчилик бирикмалар конъюгациясида иштирок этувчи жигар гидроксилловчи ферментлар системасини ўрганиш организмга тушувчи ҳар хил ксенобиотикларнинг биотрансформация натижасида ҳосил бўлган метаболитларини таркиби ва миқдорини баҳолашга ёрдам беради. Бундай услублар клиникада жигар детоксикацияловчи функциясини ўзгаришини барвақт билишга, ҳар хил захарли моддалар ва дориларнинг гидроксилланиш ва ацетилланиш ферментлар системасига таъсирини аниқлашда қўлланади.

Мустақил тайёрланиш учун вазифалар:

1. Жигар микросомаларининг гидроксилловчи комплекси.
2. Гидроксилловчи ферментлар комплексини молекуляр тузилиши.
3. Гидроксилловчи комплекс реакциялари.
4. Фармакопрепаратлар тузилиши ва уларнинг хужайра ферментлар системаси таъсирида ўзгариш йўллари: оксидланиш, қайтарилиши, гидролиз.
5. Ксенобиотикларнинг эндоплазматик ретикулумда оксидланишини НАДФ.Н га боғлиқ бўлган реакциялари.
 - А) N-, S-, O-деалкинланиш,
 - Б) алифатик углеводородларнинг гидроксилланиши,
 - В) ароматик углеводородларнинг гидроксилланиши,
 - Г) гетероциклик бирикмаларнинг гидроксилланиши.
6. Ксенобиотикларнинг НАД.Нга боғлиқ бўлган оксидланиши
7. Ксенобиотикларнинг қайтарилиш реакциялари.


Машғулот 8.

Интакт ва фенобарбитал юборилган каламушлар қонида кофеиннинг охирги метаболити бўлган сийдик кислотасини Мюллер ва Зейферт услубида аниқлаш.

Амалий ишдан мақсад.

Организмда кофеин жигар ЭПР ида уч марта N-деметилланиши ва C8-гидроксилланиши натижасида унинг сўнги метаболити сийдик кислотаси ҳосил бўлади. Маълумки, ҳайвонлар фенобарбитал натрий қабул қилганда цитохром P450 нинг синтези кучайиб, гидроксилаза комплексининг фаоллиги ортади.

Организмда сийдик кислотаси пурин ҳосилаларидан ҳосил бўлиб ўртача миқдори 2-4 мг%ни ташкил қилади.



Амалий ишнинг мақсади.

Интакт ва фенобарбитал қабул қилган каламушлар қонида сийдик кислотаси миқдорини кофеин инъекциясидан кейин 30, 60, 120 дақиқада ўзгаришини аниқлаш.

Услубнинг асоси.

Сийдик кислотаси таркибида фосфорли вольфрам бўлган Фолин реактивини қайтарилиши натижасида вольфрамнинг кўк рангли оксидлари ҳосил бўлади ва рангнинг интенсивлиги сийдик кислотаси миқдорига пропорционалдир.

Текшириш материали:

Амалий ишни бажаришда уч гурух хайвонлар (оқ каламушлар) ишлатилади:

- 1 гурух - контрол гурухи , - норма
- 2 гурух - қорин оркали 25 мг/кг миқдорида кофеин юборилган интакт оқ каламушлар.
- 3 гурух - 4 кун давомида хар куни 80 мг/кг миқдорда фенобарбитал натрий қабул қилган оқ каламушларга 25 мг/кг миқдорда кофеин юборилган.

Реактивлар:

1. 10% ли учхлор сирка кислотаси (ТХУК)
2. Na_2CO_3 нинг тўйинган эритмаси.
3. Фолин реактиви

Жихозлар:

1. Пробиркалар,
2. Центрифугаланувчи пробиркалар
3. Хажми 1, 2, 5 мл ли пипеткалар
4. Центрифуга
5. ФЭК

Амалий ишнинг бориши:

Кофеин юборилгандан кейин каламушлардан 30, 60, 320 дақиқада дум венасидан қон олиниб, сийдик кислотасини аниқлаш учун зардоби центрифугалаш йўли билан ажратилади. 7 та центрифугаланувчи пробиркага 1,5 мг дан интакт ва тажриба зардоби солиб 1,5 мл учхлор кислотаси билан қон оқсиллари чўктирилади ва 10 дақиқадан сўнг 3000 айланиш тезлигида 10 минут давомида центрифугаланади. 1,5 мл центрифугатга 0,7 мл тўйинган Na_2CO_3 ва Фолин реактивидан бир томчи солинади. 10 дақиқа ўтгач хар бир пробиркага 2,8 мл сув солиб аралашма хажмини 5 мл га етказилади. Хосил булган кук ранг интенсивлиги ФЭК да қизил филтёрда қалинлиги 5 мм бўлган кюветада сувга нисбатан нур ютилиш узунлиги ўлчаниб, контроль билан солиштирилади.

Хисоблаш:

$$\text{Сийдик кислота} = C \times 2 \times 100 / 1,5 \times 1000 = (\text{мг}\%)$$

Бунда: С – стандарт эгри чизиғи бўйича аниқланган сийдик кислотаси концентрацияси, мкг да.

1000 - мг га ўтказиш.

100 - % хисобига ўтказиш.

Контроль ва тажриба гуруҳидаги каламушлар қонидаги сийдик кислотасининг миқдори кофеин юборилгандан кейинги олинган вақтига нисбатан солиштирилади. Фенобарбитал натрийнинг кофеин метаболизмида иштирок этувчи цитохром Р-450 нинг синтезига таъсири ҳақида хулоса қилинади.

Тажрибавий каламушлар қонидага сийдик кислотаси миқдори {мг%}

Тажриба	0 дақиқа	30 дақиқа	60 дақиқа	120 дақиқа
Интакт				
Кофеин юборилган				
ФБН+ кофеин юборилган				

Амалий ишнинг моҳияти:

Дори моддалари фармакокинетикаси ва метаболитларини ўрганиш уларнинг даволовчи ва токсик хусусиятларини тавсифлашда ва даволашнинг самарали усулларини яратишда муҳимдир.

Ишни ҳужжатлаш.

1. Теманинг номи.
2. Машғулотдан мақсад
3. Ишнинг бажарилиши
4. Хулоса

Нормада сийдик кислотасининг қон зардобидаги миқдори 0,10-0,40 ммоль/л, сийдик билан суткада 2,36-5,9 м моль ажралади.

Сийдик кислотасининг миқдори ҳар хил патологик ҳолатларда – нуклеопроteidларни парчаланиши билан боғлиқ (диабет, лейкоз, аллергия ва бошқалар). Айниқса унинг миқдори подагра касаллигида қонда юқори даражада кўпайиб (урикемия), тузлари бўғин юзаларида тўпланади ва қаттиқ оғриққа сабаб бўлади. Миқдорини камайиши анемия касаллигида ва пиперазин, атофан, салицилатлар, кортикотропин (АКТГ) каби дорилар қабул қилингандан сўнг кузатилади.

Мустақил тайёрланиш учун саволлар:

1. Дори моддалари ва биомолекулалар. Дори моддаларининг организмда метаболик ўзгаришлари.

2. Жигар - дори моддалари ўзгариши кечадиган асосий орган. ЭПР ферментлари тизими ва унинг дорилар биотрансформациясидаги ўрни.

3. НАД Н ва НАДФ Н га боғлиқ электрон узатув занжирлари, улар орасидаги боғлиқлик. Цитохром Р450 нинг оксидланиш-кайтарилиш реакцияларидаги роли.

4. ЭПР да дорилар ўзгаришида иштирок этувчи асосий реакциялар турлари.

Алифатик бирикмаларни С-гидроксидланиши. Оксидланувчи деалкилланиш, дезаминланиш.

9-10 машғулот.

Экспериментгал хайвонлар сийдигида сульфадимезин ва унинг метаболитлари миқдорини аниқлаш.

Машғулот мақсади. Сульфадимезин препарати қабул қилган (перорал) оқ каламушлар сийдигида 12 соатдан сўнг эркин сульфадимезиннинг, унинг ацетилланган унумини ва сульфадимезин глюкуронидини аниқлаш.

Сульфадимезин препаратлари организмда бўлиш вақтига қараб қисқа, ўрта, узоқ ва ўта узоқ вақт таъсир этувчи гуруҳларга бўлинади. Бу препаратларнинг организмда таъсир давомийлиги уларнинг буйрак экскрецияси хусусиятига боғлиқ. Узоқ вақт таъсир этувчи препаратлар буйрак коптокчаларидан филтрланиб, буйрак найчаларида 80-90% қайта сўрилади.

Бир қатор дорилар организмда параллел ва кетма - кет бир неча йўллар билан метаболизмланиши мумкин. Масалан, сульфаниламидлар бир вақтнинг ўзида гидроксилланиши ва сирка кислотаси билан конъюгацияланиши мумкин.


Сульфаниламидларнинг фенол халқаси ёки гетероцикли орқали гидроксилланган хосиласи глюкурон кислотаси билан конъюгация хосил қилаолади. Ундан ташқари сульфаниламидлар кичик миқдорда амид азоти N_4 ёки гетероцикл азоти орқали глюкурон кислотаси билан боғланиши мумкин.

Сульфаниламидлар микросомалардаги ариламинацетилтрансферазалар ёрдамида аминогруппа ацетати билан актив бирикиб, ацетамидлар хосил қилади. Бу реакцияни тўла детоксикация деб айтиш қийин, чунки ацетилланган унумлари сувда ёмон эриши туфайли сийдик йўлларида қайта конденсацияланиши ва ножўя таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли сульфаниламидларнинг ёмон ацетилланадиган бирикмалари қидирилмоқда.


Микросомалардаги уридинфосфоглюкуронилтрансфераза ёрдамида сульфаниламидлар глюкурон кислотаси билан бирикади ва бунда карбоксил группа эркин қолиб, суюқликларда эрувчан бирикма хосил бўлишига ва буйрак орқали тез чиқиб кетишига олиб келади.

Услубнинг асоси:

Сульфадимезинни аниқлаш услуги нитрит натрий билан диазотланиш ва резорцин билан азотланиш реакцияси натижасида қўнғир рангли диазо бирикма хосил бўлиши ва ФЭК орқали ўлчашга асосланган. Рангнинг интенсивлиги сульфадимезин миқдorigа пропорциональ.



СУЛЬФАДИМЕЗИН



АЦЕТИЛСУЛЬФАДИМЕЗИН

Текшириш материали:

Каламушларга оғиз орқали 200 мг/кг миқдорда сульфадимезин юборилгандан сўнг 12 соат давомида йиғилган сийдик, 200 марта суюлтирилади.

Реактивлар:

1. 10% ли учхлор сирка кислота эритмаси
2. Ацетат натрийнинг туйинган эритмаси
3. 0,2 М ли NaOH эритмаси
4. 0,5% ли нитрит натрий эритмаси
5. 0,5% ли резорцин эритмаси
6. 8% ли HCl эритмаси
7. 0,2 ли HCl эритмаси
8. Индикатор қоғози

Жихозлар:

1. Пробиркалар.
2. 10 мл хажмли пробиркалар.
3. 1,0 ; 5 ва 10 мл хажмдаги пипеткалар.

4. Пробкалар ва қайта совуткичли кимёвий стаканлар.
5. Воронкалар, филтър.
6. Сувли хаммом.
7. ФЭК.

I. Эркин сульфадимезинни аниқлаш.

Амалий ишнинг бориши:

1. 5 мл суюлтирилган сийдикка 1 мл 0,2 н NaOH қўшилиб, чайқатилади ва 5 дақиқадан кейин 4 мл 10% ли учхлор сирка кислота қўшилиб, 15 дақиқага қолдирилади. Эритма хажмланган пробиркага филтърланади ва филтърдаги чўкма 0,2 н HCl билан ювилиб, эритма хажми 10 мл га етказилади.

2. 5 мл филтратга 0,2 мл 0,5 % ли нитрит натрий эритмаси қўшилиб 15 дақиқага қолдирилади (қолган 5 мл филтратда умумий сульфадимезин аниқланади)

3. 4,6 мл ацетат натрийнинг тўйинган эритмаси ва 0,2 мл 0,5% ли резорцин эритмаси кетма-кет қўшилиб, 15 дақиқага қолдирилади. Аралашма қўнғир рангга киради.

4. Тажрибавий эритмалар нур ютиши ФЭК да қўк светофилтърда қалинлиги 10 мм бўлган кюветаларда ўлчанади. Контрол пробиркада филтрат ўрнига 5 мл сув олинади, қолган реактивлар услубда кўрсатилган миқдорда қўшилади.

5. Сульфадимезин миқдори қуйидаги формула орқали хисобланади:

$$\text{сулфадимезин} = C \times 2 \times 200 \times 100 / 1000 = (\text{мг}\%)$$

Бу ерда: С- эгри чизиқли стандарт бўйича аниқланган намунадаги сульфадимезин концентрацияси, мкг да,

2 - намуна суюлганлик даражаси

200 - сийдикнинг суюлганлик даражаси

1000 – мг га ўтказиш

100 - % га ўтказиш


II. Ацетилланган сульфадимезинни аниқлаш

Амалий ишнинг бориши:

1. Оқсили учхлорсирка кислотаси билан чўктирилгандан кейин фильтратнинг қолган қисмига (5 мл) 2 мл 8% ли хлорид кислота қўшилади.
2. Пробиркалар қайта совутилгач, қайнаб турган сув хаммомида 30 дақиқа гидролизланади.
3. Пробиркалар ичидаги аралашма чўктирилиб, ўлчовли пробиркаларга кўйилади ва 2 мл 10% ли учхлор сирка кислотаси қўшилиб, шу эритма билан қолдиқ чайилади ва яна қўшилади.
4. Пробиркага хажми 10 мл га етгунча дистилланган сув кўйиб, аралаштирилади ва қоғоз филтар орқали филтрланади.
5. 5 мл фильтрат олиниб, унда I эркин сульфадимезин миқдори ўлчанган схема бўйича анализ ўтказилади. Ацетилланган сульфадимезин миқдори умумий ва эркин сульфадимезин айирмасидан топилади.

III Сийдикда сульфадимезин глюкуронидини аниқлаш

сульфадимезин глюкурониди



Амалий ишнинг бориши:

1. 5 мл суюлтирилган сийдикка бир неча томчи 0,2 н HCl эрвтмаси куйилиб,

индикатор коғози ёрдамида рН 5 га етказилади.

2. 5 мл хлороформ кўшилиб, пробирка чайқатилади. Бу вақитда эркин сульфадимезин ва ацетилланган унумли хлороформга ўтади, сув сув кисмида кўпроқ гидрофил бўлган сульфадимезин глюкурониди қолади.

3. Пастер пипеткаси билан пастки сув қисм тортиб олиниб, унда сульфадимезин глюкурониди аниқланади. (I - иш қисмида кўрсатилганидек). 12 соат давомида тўпланган сийдик хажми ва унинг 200 мартаба суюлтирилганлиги ҳисобга олиниб, шу вақт давомида организмдан чиқарилган эркин сульфадимезин ва унинг метаболитлари /ацетилланган унуми ва глюкурониди / микдорини юборилган дори микдорига нисбатан /мг%/ ва /%/ ларда ҳисобланади.

Сульфадимезин = Эркин сульф адимезин + Ацтил сульф адимезин + Сульф адимезин глюкурониди

Амалий ишнинг моҳияти:

Сульфадимезин фармакокинетикаси ва унинг метаболитларини ўрганиш уларнинг даволаш ва токсик хусусиятларини тавсифлашда, илмий асосланган янги препаратлар синтезини ўрганишда, тиббиётда даволаш самарасини ошириш йўллари топишда муҳимдир.

Ишни ҳужжатлаш.

1. Машғулот темаси.
2. Иш мақсади.
3. Услубни моҳияти ва бажарилиш йўли (I, II ва III ишлар учун алоҳида).
4. Машғулот натижалари ва хулоса жадвал шаклида ифодаланади.

Жадвал.

Каламуш сийдигида сульфадимезин ва унинг конъюгатлари микдори.

иш	Текширилаётган модда	Микдори			% - умумий чиқарилган сульфадимезин микдорига нисбатан	хулосалар
		Е	Мкг- тажриба намуналари	Мк- анализга олинган сийдик микдори		
I	Эркин сульфадемин					
II	Ацетилланган сульфадимезин					
III	Сульфадимезин глюкурониди					

Мустақил тайёрланиш учун саволлар:

1. Конъюгация ва унинг турлари. Ксенобиотикларни захарсизлантиришда конъюгациянинг ўрни. Конъюгация механизми ва иштирок этувчи ферментлари.
2. Ксенобиотикларнинг метилланиши. Метилтрансферазаларни тузилиши ва роли.
3. Ксенобиотикларни сульфат билан конъюгацияланиши. Сульфотрансферазанинг тузилиши ва роли.
4. Глюкуронидлар ҳосил бўлиши механизми. Уридинфосфатглюкуронил трансфераза тузилиши ва роли. Альфа-аминокислоталар билан конъюгацияланиш.
5. Ксенобиотикларни ацетилланиши. Арилацетилтрансферазанинг роли.
6. Биологик мембраналар ўтказувчанлиги. Тарқалиш коэффициенти. Дори моддаларининг тўпланиш, парчаланиш, йўқотиш механизми. Дорилар

ва бошқа моддаларга резистентлик. Метаболик ўзгариш дори моддаларини чиқариб юборишдаги асосий йўл.


Машғулот 11.

Семинар. Ксенобиотикларни эндоплазматик ретикулумда оксидланишида НАД*Н₂ ва НАДФН₂ га боғлиқ бўлган реакциялар .

Дори воситалари, канцероген, токсик моддалар ва эндоген субстратлар (гормонлар) жигар хужайраларининг эндоплазматик ретикулумига жойлашган ферментлар системаси иштирокида метаболик ўзгаришиларга учраши аниқланган. Бу системалар махсус специфик реакциялар саналиб, биттаси НАДФН₂ иккинчиси эса НАДН₂ тааллуқлидир.

